



CANADA



CANADA

## ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ХҮКУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЖТИМОЙЙ ПРОФИЛАТИКАНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Учтепа тумани ИИО ФМБ 2-сонли  
ИИБ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича  
инспектори капитан  
**Й.Б.Махтумова**

**Аннотация.** Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишда амалга оширалаётган ислоҳотларнинг хотин-қизларга нисбатан содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қаратилаётганини, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг муҳим аҳамияти, оилани ўрганиши орқали турли вазифаларни амалага оширишда тарихимиз ва бугунги кунимиздаги ҳолатини эътиборга олган ҳолда моддий ҳолатларга эътибор қаратиш, таҳлил қилиш ҳамда керакли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

**Таянч сўзлар:** хотин-қизлар, ижтимоий профилатика, фармонлар, Хотин-қизларларнинг жиноятдан жабирланиши, латентлик, ижтимоий профилактикани амалга оширувчи субектлари.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Оила, хотин-қизлар ва кекса авлод вакиллари билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, маҳаллаларни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида хотин-қизларнинг таълим ва касбий қўнимлар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилияtlарини тўғри йўналтириш, гендер тенгликни таъминлаш сиёsatини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислоҳотларни амалга ошириш, худудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш, турар жойга муҳтоj хотин-қизларни уйжой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-хуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни “Аёллар дафтари” орқали манзилли қўллаб-қувватлаш, жамиятда хотин-қизларга тазийик ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда



маънавий-ахлоқий мухитни яхшилаш ва уларнинг фаровонлик даражасини оширишга қаратилган қатор чора тадбирлар ишлабчиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 21-декабрдаги “Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-208-сон [Фармонининг](#) ижросини таъминлаш ҳамда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаоллигини ошириш мақсадида хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси барча бўғиндаги ҳар бир давлат органи, ташкилоти ва корхонасида, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи, суд тизимида ва ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларда бошқарув ходимлари орасидаги хотин-қизларнинг улушкини 2030-йилга қадар 30 фоизга етказиш талаби давлат корхоналарининг ижро органлари, шу жумладан директорлар кенгаши ва кузатув кенгашларининг таркибини шакллантиришда ҳам татбиқ этилишини таъминланиши белгилаб қўйилди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда амалга оширалаётган ислоҳотлар ҳамда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирларнинг муҳим аҳамияти орқали вазифаларни амалага оширишда тарихимиз ва бугунги қунимиздаги ҳолатини эътиборга олган ҳолда ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда керакли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши долзарб аҳамиятга эга. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ҳамда имкониятларини рўёбга чиқариши учун керакли бўлган шарт-шароит яратиш, ҳукуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бунда, таълим ташкилотларида касб-хунарга ўқитилган ҳар бир битирувчи хотин-қиз учун сарфланган ўқитиш харажатларининг 70 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробаридан ошмаган қисми давлат томонидан қоплаб бериладиган бўлди. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги икки ой муддатда “хотин-қизлар.uz” платформаси негизида “Банд бўлмаган хотин-қизлар” модулини ярачин ҳамда вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларига ушбу модулни интеграция қилишни, уч ой муддатда “Ўзбекчармсаноат”, “Ўзтўқимачиликсаноат”, “Ўзбекипаксаноат” ва “Паррандасаноат” ўюшмалари билан биргаликда уларнинг таркибидаги корхона ва ташкилотлар учун зарур ишчиларнинг корхоналар кесимида аниқ эҳтиёжини ишлаб чиқишини, 2024-йил 1-мартга қадар Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Энг яхши касбга тайёрлаш дастури” бўйича нодавлат таълим ташкилотлари ўртасида ўтказиладиган очик танловларда иштирокчиларни шаффоғлик ва холислик тамойилларига асосан баҳолашни “онлайн” режимда амалга ошириш имконини берувчи электрон дастурий таъминот ишлаб чиқиши ҳамда 2025-йилдан бошлиб ҳар йили ушбу танловни ўтказиб боришни таъминлайдиган бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 21-декабрдаги “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-401-сонли қарорига асосан хотин-қизларнинг ҳақ тўланадиган жамоат ишлари асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида иш юритувчи бўлиб ишлашига ўн бир ойгача муддатга рухсат этиш, ташкилот (иш берувчи) томонидан иш ўринлари захирага қўйиладиган ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар тоифаларига оилавий (маиший) зўравонлик натижасида жабрланганлар ҳам киритиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг уй-жойларини таъмирлаш учун қурилиш материалларининг энг яхши таклифларни танлаш орқали харид қилинишига рухсат бериш, Шу билан бир қаторда Олий суд, Судялар олий кенгаши ҳамда Кўумитанинг илгор хорижий тажриба асосида фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларда оилавий низоларни қўришга ихтисослашган судялар корпусини шакллантириш ҳақидаги таклифига розилик берилди.

Бунда, 2024-йил 1-февралдан мавжуд штат бирликлари доирасида тажриба тариқасида фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар, Наманган туманлараро ва Мирзо Улуғбек туманлараро судларининг икки нафардан судясини оилавий низоларни қўриш бўйича ихтисослаштирган ҳолда ушбу судларда “Оила судялари” ташкил этилиладиган бўлди,

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг никоҳдан ажралиш учун ариза берган оилаларни яраштириш бўйича ижобий тажрибасини боскичма-боскич бошқа судларга татбиқ этиш белгиланди. жиноий оилавий (маиший) зўравонлик қурбонларига нисбатан жабрланувчининг талабига кўра суд томонидан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларнинг соддалаштирилган тартибда, яъни суд маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг фикрини инобатга олган ҳолда эр ва хотиннинг бундан буён биргалиқда яшашига имконият йўқ деб топса, ишни қўришни кейинга қолдирмасдан ҳамда ярашиш учун муҳлат тайинламасдан ҳал қилув қарор чиқаришни, судда уй-жойга мажбурий тартибда киритиш билан боғлиқ дъяволар кўрилаётганда, уй эгасининг талабига кўра мажбурий тартибда киритилаётган тараф уй эгасига тегишли мутаносиб шароитга эга бошқа яаш жойига ёки уй эгаси томонидан ижара ҳақи тўлаб туриладиган яаш жойига киритиб қўйиш имкониятини ҳисобга олиш белгиланди. Шундай екан Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14-май кунидаги ПҚ-371 сонли “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунида белгиланган Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар қадорига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик судларини ҳам қўшиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бунинг сабаби биринчидан, фуқаролик судлари томонидан кўрилаятган кўплаб ишлар оилавий можороларга сабаб бўлаётган муаммолар бўлиб, баъзида бу можоралар тўғрисида маҳалла муасссаларининг ҳабари бўлмайди лекин фуқаролик судларида кўрилаётган мол-мулк

билин бўғлиқ, алумент даъвалари, ажрим ва бошқа шу каби қўплаб оиласвий келишмовчиликларга сабаб бўлиб келаётган ишлар фуқаролик судлари томонидан кўрилади. Шунингдек Ўзбекистон Республикасида жорий йилда хоти-қизлар томонидан содир этилган жиноятларнинг учдан икки қисми мулкий жиноятлардир. Агар фуқаролик судлари профилактикани амалга оширувчи субект сифатида киритилиб бу каби можороли масалалар ҳакида ИИБ ёки маҳаллий ҳокимият органларига билдиришлар чиқарса бу билан оиласвий зўравонлик юкида ҳукуқбузарликларнинг олди олинган бўларди, Профилактика субъектларининг жисмоний шахсларнинг ҳукуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш вазифасидан келиб чиқиб фуқаролик судларини ҳам ушбу вазифани бажаришга жалб этиш лозим бўлади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1.2019-йил 2-сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизларни тазиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сонли қонуни,

2.2019-йил 2-сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-562-сонли қонуни,

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 21-декабрдаги “Оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-401-сонли қарор

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 23 август кунидаги “Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 536-сонли Қарори,

5.Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14-май кунидаги ПҚ-371 сонли “Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.